

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Х У К М

2024 йил май ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Н.Қирғизова ва Ш.Турабоевлардан иборат хайъатда, судья ёрдамчиси Х.Баёзовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори А.Нурматов, судланувчи И.Алиханова, унинг ҳимоячиси-адвокат М.Тожирахимова, жабрланувчининг қонуний вакили Н.Касимов, жамоат ҳимоячиси Чортоқ туман ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими, хотин-қизлар масалалари бўйича бош мутахассиси М.Хожикўзиевнинг иштирокида, Алиханова Икбол Абдурашидовнага нисбатан 1-1610-2401/76-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Алиханова Икбол Абдурашидовна, 1988 йил 24 майда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2010 йил 4 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган, судланмаган, Чортоқ тумани, “Наманган” МФЙ, Илтифот кўчаси 43-уйда яшаган, жиноят иши бўйича 2023 йил 24 декабрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2023 йил 25 декабрда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 12 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “в” банди ва 134-моддаси билан айбланган;

Суд хайъати, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Алиханова, 2017 йил 7 мартдан буён Чортоқ тумани, “Наманган” МФЙ, “Илтифот” кўчаси, 43-уйда марҳум турмуш ўртоғи З.Қосимов билан шаръий никоҳ асосида бирга яшаб келиб, турмуш ўртоғи З.Қосимов 2020 йилдан бошлаб спиртли ичимликка ружу қўйиб, доимий равишда И.Алиханованинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб, бошқа шахслар



билан ишқий муносабатларга киришганлигига шубҳа қилиб, бирор-бир юмуш билан кўчага чиққан вақтда уни ортидан кузатиб, уни “СПИД” касаллигига чалинганлиги ҳақида асоссиз айблаб, фарзандларини ўзи билан олиб қолиб, И.Алихановани ота-онасини уйига ҳайдаб юборишини айтиб, доимий равишда жанжаллашиб келган.

Бундан ташқари, марҳум З.Қосимов турмуш ўртоғи И.Алиханованинг биринчи турмушидан бўлган фарзанди 28.04.2010 йилда туғилган вояга етмаган М.Рахимжановга кўпол муомалада бўлгани, 2020 йилнинг август ойларида яшаш хонадонига у билан ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжини қондиришга уринганлигини кўрганлиги сабабли турмуш ўртоғи З.Қосимовга нисбатан нафрати ошиб, турмуши давомида ўтказган зулмидан ғазабланиб юрган.

Марҳум З.Қосимов 2023 йилнинг 22 декабрь куни соат тахминан 12:00 ларда яшаш хонадонига спиртли ичимликдан маст ҳолатда келиб, уйда яна спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтириб, турмуш ўртоғи И.Алиханова билан тортишиб, шахсиятига тегадиган даражада уятли сўзларини айтиб, ҳақоратлаган ва маст ҳолатда ухлаб қолган.

Шундан сўнг, И.Алиханова турмуш ўртоғи З.Қосимов спиртли ичимликдан маст ҳолатда ухлаб ётгани, уйда ҳеч ким йўқлиги ва ундан кутулиш учун унинг ожиз аҳволдалигидан фойдаланиб, 2023 йил 22 декабрь куни соат 14:00 ларда яшаш уйининг ошхонасида бўлган болта ёрдамида турмуш ўртоғи З.Қосимовнинг бош мия ва бўйин ўнг соҳалари ҳамда танасининг турли қисмларига бир неча маротаба зарб билан уриб, чопиб уни қасддан ўлдирган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 11 январь кунги 558-сонли эксперт хулосасида, З.Қосимовнинг ўлими бош мия оғир очик шикасти, бўйин ўнг томон соҳаси чопилган жароҳатлари, бўйин соҳаси аъзолари ўнг умумий уйқу артерияси, трахея ва қизилўнгач узилиши, бошни пешона, энса ва чап қулоқ супраси соҳаси чопилган жароҳатлари натижасида келиб чиққанлиги, унинг асорати: посттравматик ва постгеморрагик шок оғир даражаси, ўткир ташқи қон кетишидан келиб чиққанлиги, ушбу тан жароҳатлари тириклик вақтида ўткир чопувчи жисм таъсирида етказилганлиги, бу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича уни ўлимига сабабчи бўлган оғир тан жароҳати ҳисобланиши кўрсатилган.

Шундан сўнг, соат тахминан 14:30 ларда И.Алиханова марҳум З.Қосимовнинг мурдасини кўрпача ва целлофанга ўраб, уйнинг бошқа хонасига судраган ҳолда олиб кириб, эшикни қулфлаб қўйиб, мурдани фарзандлари ва бошқа шахслардан яширган.

Кичик фарзанди вояга етмаган М.Рахимов ва тўнғич фарзанди М.Рахимжановларни эса оталари З.Қосимов эрталаб уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаганлигини, тез орада келиб қолишини айтиб уларни тинчлантирган ва мурдани уни бир неча бўлақларга бўлган ҳолда аҳлатга ташлаб юбориш орқали йўқ қилиш режасини тузган.

Тузган режасини амалга ошириш мақсадида, воқеа содир бўлган куннинг эртаси яъни 2024 йилнинг 23 декабрь куни эрталаб соат 08:00 ларда тўнғич фарзанди М.Рахимжановни мактабга кетганидан ва кичик фарзанди



М.Рахимовни ухлаб ётганидан фойдаланиб, яшаш уйидаги ош пичоқ ва болта ёрдамида мархум З.Қосимовнинг мурдасини таҳқирлаб, унинг танасини қўл ва оёқлари бўғим соҳаларидан, сўнгра бошини танасидан ваҳшийларча узиб олиб, қорин соҳаларини бўлакларга бўлиб, уларни 8 дона қора рангли целлофан пакетларга жойлаб, ушбу хонанинг ичкарасида сақланаётган болалар манежи (*кровать*) ичига солиб, устидан болалар кийимларини ташлаб, мархумни тана аъзоларини яширган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 11 январдаги 558-сонли эксперт хулосасида, З.Қосимовни мурдаси қисмларга ажратилганлигини, ажратилган соҳа четлари атроф тўқималарида қон қуйилиши белгилари йўқлигини инобатга олганда, ушбу қисмларга ажратилиши ўлимидан сўнг мурданинг ҳолати ўзгартирилган ҳолатда етказилганлигига ҳослиги ҳамда мурдадан олинган қонда суд-кимёвий текширувида 2,0 промилли этил спирти аниқланганлиги кўрсатилган.

Судланувчи И.Алиханова суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2017 йил 7 март куни шаръий никоҳ асосида Чортоқ тумани, “Наманган” МФЙ, Илтифот кўчаси, 43-уйда яшаган З.Қосимовга турмушга чиққанлиги, биринчи турмушидан бўлган 7 ёшли ўғли М.Рахимжановни ўзи билан олиб келгани, турмуши давомида З.Қосимовдан 25.12.2017 йилда кенжа ўғли Рахимов Мухаммадали Зокиржон ўғли туғилгани, турмушининг дастлабки 3 йили яхши ўтгани, кейинчалик ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқишни бошлагани, турмуш ўртоғи З.Қосимов уни рашк қилишни бошлаб, асоссиз уришиб жанжаллашгани, катта ўғли М.Рахимжановга нисбатан тахминан 2021 йилдан бошлаб уятли ҳаракатлар қилишни бошлагани сабабли турмуш ўртоғига муносабати салбий тарафга ўзгариб, фарзандини турмуш ўртоғидан эҳтиёт қилишни бошлагани, З.Қосимов спиртли ичимликка берилиб кетгани, енгилтак аёл деб кўп ҳақорат қилишни бошлагани, бу ҳаракатлар турмуш ўртоғига муносабатларини ўзгаришига олиб келгани, рашк қилиш, ишга ёки кўчага бирор-бир иш билан чиқса ортидан кузатиб юришлари оддий ҳолатга айлангани, кўшимчасига уни “жалап” деб сўкиб, кўчада бошқа эркаклар билан жинсий алоқа қилиб юрганликда айблаб, “Сен СПИД” сан деб ҳақорат қилишни бошлагани, ажрашишини, болаларни эса ўзига бермаслигини айтиб, кўрқитишни бошлагани, 2008 йилда туғилган фарзанди А.Рахимжанов 2009 йилда сурункали шамоллаш касаллиги билан оғриб, ўлиб қолганидан сўнг, фарзандларини йўқотишдан кўрқиб қолганлиги, турмуш ўртоғи З.Қосимов таҳдид қилиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ажрашишини ва болаларини бермаслигини айтиб кўрқитиш оддий ҳолга айлангани, 22.12.2023 йил эрталаб фарзандлари боғча ва мактабга кетишганидан сўнг турмуш ўртоғи З.Қосимов кўчага чиқиб 1 бутилка спиртли ичимлик олиб келиб уйда истеъмол қилгани, шундан сўнг тахминан 12:00 лар атрофида “Насиба” исмли қайин синглиси билан телефон орқали гаплашгани, шундан сўнг кўлидаги “ароқ” спиртли ичимлиги тамом бўлгач, кўчага чиқиб яна 1 бутилка олиб келиб ҳовлида ишлаётган вақтида З.Қосимов ҳовлида ичиб ўтириб, яна доимгидек ҳақоратлагани, бундан ўзини олиб қочиб, уйига исиниш учун печка олдида



бориб ўтирганида ортидан маст ҳолда кириб, қаршисига ўтириб, яна таҳқирлашни бошлаб, болалардан ажратиб, у билан ажрашишини айтиб полга қўли билан қаттиқ ургани, бу ҳаракатлар ва гаплардан ўзини йўқотиб қўйиб, болаларидан айрилмаслик учун турмуш ўртоғи ухлаб қолганидан фойдаланиб, ошхонага чиқиб у ердан болтани олиб келиб, З.Қосимовни бўйин соҳасига болтанинг чопувчи қисми билан бир маротаба урганидан сўнг турмуш ўртоғи ўрнидан туришга ҳаракат қилиб, “қулоққа солдин-ку” деб гапирганидан кўрқиб, турмуш ўртоғи шу ҳолатда ташқарига чиқиб кетишидан кўрқиб унинг бўйин соҳасига яна тахминан 2 маротаба болта билан уриб, туриб кетмаслиги учун орқа томонидан ерга қўли билан босгани, қон оқаётганидан кўрқиб, хонада бўлган кўк рангли адеял билан бошини тўсиб қўйгани, турмуш ўртоғи хушини йўқотиб, жони узилганидан сўнг, соат тахминан 15:00 ларда турмуш ўртоғини ўлдириб қўйганини тушуниб етгани, фарзандлари ўқишдан қайтиб қолиши мумкинлигидан кўрқиб, катта жигарранг рангли одеял солиб унинг устига ҳовлида бўлган целлофан пакет солиб мурдани целлофан устига қўйгани ва ушбу хонадан судраб, олдидаги хонага бир амаллаб олиб кириб қўйиб, ушбу хонанинг эшигини кулфлаб қўйгани, соат тахминан 16:30 ларда кичик фарзанди М.Рахимовни боғчадан олиб келиш учун “Рахима опа”ни уй боғчасига бориб, фарзанди боғчадан М.Рахимовни олиб, “онлайн” таксида бозорга товуклар учун дон олишга боргани, у ердан яна қора целлофан пакетлар ва тахминан 9 та қоп олиб уйга қайтгани, уйга келганида катта фарзанди М.Рахимжанов мактабдан қайтиб эшик кулф бўлганлиги учун эшик олдида турганини кўриб, у билан уйга киргани, улар билан (*печкали*) яшаш хонага кириб, тушликка қилган “мастава” таомини олиб кириб, фарзандларини қорнини тўқлагани, катта фарзанди М.Рахимжонов отаси қаердалигини сўраганида, кўчага иш билан чиқиб кетганлиги, келиб қолишини айтиб тинчлантиргани, бироздан сўнг фарзанди М.Рахимжонов отасини ароқ дўконига бориб истаб келишини айтганида рухсат бермагани ва ўзи соат тахминан 20:00 ларда кўчага чиқиб, дастлаб маҳаллада жойлашган савдо дўконига кириб, у ердаги савдогардан онлайн такси чақириб беришини сўраб такси келганидан сўнг таниши фуқаро З.Умирзақов ва унинг турмуш ўртоғи М.Умирзақовалар билан кўришиш учун, М.Умирзақованинг чақирувига биноан “СИМ-СИМ” савдо дўкони олдида бориб, улар билан йўл бўйида З.Умирзақов ва турмуш ўртоғи М.Умирзақовалар билан кўришгани, З.Умирзақов билан ўрталарида ишқий муносабатлар бўлмагани ҳақида М.Умирзақовага тушунтириб қўйгач, пиёда уйга қайтиб келгани, уйга келиб фарзандларига турмуш ўртоғи З.Қосимовни топа олмаганини, тез орада келиб қолишини айтиб болаларни ухлатиб, ўзи эса ухламай З.Қосимовни мурдасини йўқотишни ўйлаб туни билан ухламагани, эртасига, яъни 23.12.2023 йил эрталаб соат 08:00 ларда катта ўғли М.Рахимжанов ишга кетгани, кичик фарзанди М.Рахимов уйда ухлаб ётганидан фойдаланиб, даврозани ичкаридан кулфлаб, мурда турган хонага пичоқ олиб кириб, эшикни кулфлаб, соат тахминан 08:00 ларда марҳум турмуш ўртоғи З.Қосимовни мурдасини пичоқ ва шу ерда бўлган болта ёрдамида бўлақларга бўлишни бошлагани, дастлаб ўнг қўл кафт, тирсак ва елка қисми, кейин чап қўл билак, тирсак елка қисмидан бўлақларга бўлиб,



целлофан пакетларга жойлаганидан сўнг кичик фарзанди М.Рахимовдан хабар олиш учун ҳовлига чиқиб, яшаш хонасига кирганида фарзанди М.Рахимов уйғониб телевизорда мультфильм кўриб ўтирганини кўриб, унга чой дамлаб бериб нонушта қилиб олишини айтиб, уйнинг орқа тарафида яшовчи овсини М.Қосимовани девор орқали чақириб, унга турмуш ўртоғи З.Қосимов бир кун олдин чиқиб кетиб ҳалигача қайтиб келмаганини айтгани ва унинг телефони орқали “Насибахон” исмли қайин синглисига кўнғирок қилиб, З.Қосимовни йўқолиб қолгани ҳақида хабар бериб, яна З.Қосимовни танаси жойлашган хонага кириб, уни ичкаридан кулфлаб олиб, ишини давом эттириб, марҳумнинг ўнг оёқ кафт, тизза ва сон қисмларини, кейин чап оёқ кафт, тизза ва сон қисмларини бўлакларга бўлгани, шу вақтда турмуш ўртоғининг “Хасанбой” исмли жияни орқа ҳовлидан чақираётганини эшитиб, ушбу хонадан ҳовлига чиқиб, “Хасанбой”дан нимага чақираётганини сўраганида, турмуш ўртоғи З.Қосимовни сўраб, уйга девордан ошиб тушиб, нима сабабдан дарвозани кулфлаб олганини сўрагани, турмуш ўртоғи З.Қосимов бир кун олдин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини айтганида, “Хасанбой” девордан ошиб тушиб, барча хоналарни, ер тўла ва томлардан турмуш ўртоғи З.Қосимовни қидиргани, бироқ марҳумнинг мурдаси турган хонага кирмагани, сўнг З.Қосимовни қидириш учун кўчага чиқиб кетганида, тез орада қариндошлар келиб қолишини ўйлаб, З.Қосимовни бошини бўйнидан пичоқ ва болта ёрдамида узиб олиб, қолган тана аъзоларини бўлакларга бўлиб, қора целлофан пакетларга солиб, ўша хонанинг ёнидаги хонада жойлашган болалар кровати (*манеж*)га солиб устини турли кийимлар билан беркитиб қўйгани, мурда ўралган пакет, жигарранг ва кўк рангли одеялар ва кўрпачани ҳам олиб пакетларга ўраб манежни орқа тарафига жойлаб қўйгани, бўлакларга бўлган хонанинг пол қисмини қон доғларидан тозалаб, ушбу ерга яшил рангли палосни солиб қўйгани, полни тозалашда фойдаланган латта ва марҳумнинг шимини тандирда ёқиб юборгани, шундан сўнг қариндошлар келиб иташни бошлагани, ИИБ ходимлари келиб ундан тушунтириш олаётган вақтда бақир-чақир бўлиб кетгани, уни ИИБ биносига олиб кетишгани, марҳумни ўлдирганида эғнида тўқ қизил рангли кўйлак ва иштонини ечиб қўйиб, тандирхонада бўлган кир тоғорага ташлагани, марҳум З.Қосимовни эғнида қора рангли куртка, кўк рангли бельё, жигарранг рангли жемпери, тўқ кулранг рангли трико ва кулранг шими бўлгани, шимга қон теккани учун тандирда ёқиб юборгани, қора рангли куртка марҳумни бўлакларга бўлган хонадан кейинги хонанинг шкафи ичига солиб қўйгани, қолган кийимларни одеялга ўраб, манежни орқасига ташлаб қўйгани, марҳум З.Қосимовни ўлдиришни унга ҳеч ким айтмагани, З.Қосимовни ўлдирмоқчи эканлиги ёки ўлдиргани ҳақида ҳеч кимга айтмагани, олдинлари товукни кўп сўйгани, бўғимларни қайирганда унинг оралари кўриниши, шу жойдан пичоқда кесилса бўғимлар ажралишини билгани учун, бўғимларни пичоқ ёрдамида кесиб олгани, мурдани жемпери ва ички бельёсини қайчи ёрдамида кесиб ечиб, пакетга солиб ҳодиса жойига яшириб қўйгани, қилган ишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи И.Алиханова суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик



билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уни жинойт содир этганликдаги айби, куйидаги далиллар мажмуи билан ўз исботини топган. Жумладан;

жабрланувчининг қонуний вакили Н.Қосимовнинг суд мажлисидаги, марҳум З.Қосимов укаси бўлиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, нафақага чиққани, укаси биринчи турмушидан ажрашиб, 2017 йилда Наманган шаҳрида яшовчи И.Алихановага шаръий никоҳ асосида уйлангани, И.Алиханова ўзи билан “Мухаммадисо” исмли ўғил фарзандини олиб келиб яшагани, турмушлари давомида 2017 йилда кичик фарзанди “Мухаммадисо” туғилгани, оилада уруш жанжал бўлганини билмаслиги, укаси З.Қосимовни вафот этишидан 2 ҳафта олдин кўчада учратгани, ўша вақтда ҳолати яхши бўлиб, ўзини яхши тутгани, хол-аҳвол сўраб гаплашганлари, 23.12.2023 йил соат тахминан 10:00 ларда “Хасанбой” исмли жияни кўнғироқ қилиб, З.Қосимов уйдан бир кун олдин чиқиб кетиб, ҳалигача қайтиб келмаганини, уни “Катта Наманган” каналдан қидириб келишини сўрагани учун укасини ушбу канал бўйлаб қидириб, каналдан уни топа олмай унинг яшаш хонадони бўлган Чортоқ тумани, “Наманган” МФЙ, Илтифот кўчаси, 43-уйга келгани, келганида уйда барча қариндошлар борлигини кўриб, келини И.Алихановадан нима бўлганини сўраганида З.Қосимовни бир кун олдин тушлик вақтида чиқиб кетиб, уйга қайтиб келмаганини айтгани, З.Қосимовни дастлаб яшаш хонадонидан қидириб кўришганида топа олишмагани, топилмаганидан кейин уйига соат тахминан 16:00 ларда қайтиб кетиб, уйига кириши билан “Насиба” исмли синглиси телефон қилиб, укаси З.Қосимов фойдаланиб юрган телефонини ҳожатхонадан топилганини айтгани, шу сабабли укаси З.Қосимовни хонадонига қайтиб боргани, И.Алиханова билан ИИБ ходимлари суҳбатлашиб турган вақтда, жияни “Хасанбой” уйнинг ичкари хонасидан “Бармоқдан ушладим” деб қаттиқ овозда бақиргани, укаси З.Қосимовни вафот этганини тушуниб етгани, шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари келгани, шу вақтда саломатлиги ёмонлашиб ўз уйига қайтиб кетганини, шу сабабли судланувчи И.Алихановага нисбатан қонуний чора кўришни сўраб берган кўрсатуви билан;

гувоҳ М.Турсунпўлатовнинг суд мажлисидаги, 2019 йилдан буён РСТЭИАМ Наманган филиалида эксперт лавозимида ишлаб келиши, 23.12.2023 йилда РСТЭИАМ Наманган филиалида навбатчилик қилаётган вақтида соат тахминан 20:30 ларда Чортоқ туманида қотиллик ҳолати аниқлангани бўйича воқеа жойига чиқиб борганида, хонадон ичидаги хоналарнинг бирида болалар манежи (кровать) ичида кийимлар тагида 8 дона қора целлофан пакетлар борлигини кўриб, ушбу пакетлар тергов гуруҳи ҳамда холислар иштирокида очиб кўрилганда, инсон тана қисмлари бўлакларга бўлинган ҳолатда солингани аниқлангани, ушбу пакетлар суд-тиббий экспертиза вилоят филиали маъмурий биносига олиб борилиб, кўздан кечирилгани, марҳумни қариндоши К.Қосимов таниб олгани, марҳум З.Қосимовнинг ўлими бош мия оғир очик шикасти, бўйин ўнг томон соҳаси чопилган жароҳатлари, бўйин соҳаси аъзолари ўнг умумий уйку артерияси, трахея ва қизилўнгач узилиши, бошни пешона, энса ва чап кулоқ супраси соҳаси чопилган жароҳатлари натижасида келиб чиққани, бундан ташқари, З.Қосимовни мурдаси қисмларга ажратилгани, ажратилган соҳа



четлари атроф тўқималарида қон қуйилиши белгилари йўқлигини инобатга олганда, ушбу қисмларга ажратилиши ўлимидан сўнг мурданинг ҳолати ўзгартирилган ҳолатда етказилганига хослиги ҳамда мурдадан олинган қонда суд-кимёвий текширувида 2,0 промилли этил спирти аниқлангани, айбланувчи И.Алиханова ҳамда унинг ўғли М.Рахижановларни орқа чиқарув тешиги бўйича суд-тиббий экспертизаси ўтказгани, якунига кўра уларнинг орқа чиқарув тешикларида тан жароҳатлари аниқланмагани, шунингдек, марҳум З.Қосимовни эғнида бўлган эркаклар курткаси, жемпер, бельё ва ички кийимида суд-криминалистика экспертизаси ўтказиб, якунига кўра марҳум З.Қосимовни курткаси ёқа қисмида санчилган-кесилган жароҳати аниқлангани, эғнида бўлган бошқа кийимлари: жемпер, бельё ва ички кийимида жароҳатлари топилмагани, ушбу кийимларда мурда устидан ечиб олиш учун қирқилган соҳалари мавжуд бўлгани учун кийимларни қирқиб ечиб олиш ҳолати жароҳатини юзага келтирмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Х.Рахимовнинг суд мажлисидаги, марҳум З.Қосимов амакиси бўлгани, амакиси З.Қосимов тахминан 20 йил аввал биринчи турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетиб, 2017 йилда Наманган шаҳрида яшовчи И.Алиханова билан турмуш қуриб, шу кунга қадар бирга яшаб келишгани, И.Алиханова ўзи билан катта фарзанди “Мухаммадисо”ни олиб келгани, турмушлари давомида 2017 йилда кичик жияни Рахимов Мухаммадали Зокирович дунёга келгани, ҳозирда 5 ёшда бўлиб, “Наманган” МФЙ, Гузар кўчасида жойлашган хусусий болалар боғчасида тарбияланиши, 2023 йил 23 декабрь куни амакиси Қосимов Комилжонни яшаш уйига ундан хабар олгани борганида, “Насиба” исмли аммаси қўнғироқ қилиб, амакиси З.Қосимов 22.12.2023 йил соат 16:00 лардан буён яшаш уйидан чиқиб кетиб қайтиб келмагани, амакисини уйига бориб хабар олишини айтгани учун З.Қосимовнинг “Наманган” МФЙ, Илтифот кўчаси, 43-уйга келганида, уй дарвозаси ички томонидан қулфлангани учун марҳум амакиси М.Қосимовни яшаш уйига ўртадаги девор орқали З.Қосимовни уйига кирган вақтида келинойиси И.Алиханова уй ичидан чиққани, ундан амакиси қаердалигини сўраганида, кеча уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини айтгани, унга нима сабабдан уй дарвозасини ичкаридан беркитиб олганини сўраганида, уйда дам олаётгани учун қулфлаб олганини айтгани, амакиси охириги вақтларда спиртли ичимлик ичиб тургани сабабли “уйда бирор корхол бўлмадимикан” деб ўйлаб уйларни, ертўла ва том қисмларини кўздан кечиргани, кейин кўчани излаб, туман марказига, сўнг аввал ишлаган ишхонасига боргани, бироқ амакиси З.Қосимовни топа олмагани, шундан сўнг амакисини уйига қайтиб келганида, уйда “Иброхим”, “Орифжон” исмли қариндошлари ва аммалари ҳамда амакиси Н.Қосимовлар уйда эканини кўргани, шу вақтда бироз можаро бўлгани, ҳамма тарқалиб, орадан 20 дақиқа ўтганидан сўнг қариндошлар телефон қилиб, амакиси З.Қосимовни фойдаланиб юрган телефон аппарати “Насиба” аммаси томонидан уйни ҳожатхонасидан топилгани ҳақида хабар беришгани, шу сабабли у ерга бориб телефонни ҳожатхона ичидан олиб, тозалаганида телефон ёнмагани, аввал келинойиси И.Алиханова амакиси телефонини олиб уйдан чиқиб кетганини айтгани, бироқ амакисини телефони



хожатхонадан топилгани сабабли, шубҳаланиб қолишгани, яна қайтадан уйларни ҳамма қисмини қарашни бошлагани, шу орада амакисини оёқ кийими ва бош кийими (телпаги) уйда турганини кўриб, яна шубҳалангани, тахминан соат 18:00 лар атрофида ромли уйга киргани, ромни тепа қисмида болалар учун мўлжалланган “манеж”га кийимлар бесар ҳолатда ташлаб қўйилганини кўриб, у ерга бориб манежни атрофи ва устки қисмларини қўли билан пайпаслаб очгани, шу вақтда қўлига целлофан пакет теккани, пакетни ичида нимадир борга ўхшагани учун, уни нима эканлигини билиш учун манеж ичига қўлини солиб ушлаган вақтида, одам бармоғига ишқалангани, бундан жуда ҳам кўрқиб кетиб ўзини йўқотиб қўйиб югуриб ташқарига чиқиб бақириб юборгани, ўша вақтда уйда “Ўткир” исмли ИИБ ходими бўлгани, топган бармоғи ҳақида “Ўткир” исмли ИИБ ходимига айтгани, ушбу ҳолатдан қаттиқ кўрқиб кетгани сабабли, тез тиббий ёрдам келиб, биринчи ёрдам кўрсатгани, кейинчалик амакиси З.Қосимовни турмуш ўртоғи И.Алиханова ўлдириб, бўлақларга ажратиб, мурдани “манеж” ичига беркитиб қўйганини билгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Х.Мирзахмедованинг суд мажлисидаги, марҳум З.Қосимов акаси бўлиши, у қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, нафақага чиққани, акаси биринчи турмушидан ажрашиб, 2017 йилда Наманган шаҳрида яшовчи И.Алихановага шаръий никоҳ асосида уйланганида, И.Алиханова ўзи билан ўғил фарзанди “Мухаммадисо”ни олиб келиб бирга яшагани, турмушлари давомида 1 нафар ўғил фарзандли бўлиб, 2017 йил қишда туғилганида унга “Мухаммадали” исмини қўйишгани, оилада уруш жанжал бўлмагани, 23.12.2023 йил соат тахминан 13:00 ларда синглиси “Насибахон” кўнғироқ қилиб, акаси З.Қосимов йўқолиб қолганини айтганида, уйдан чиқиб “Катта Наманган” канали бўйлаб, З.Қосимовни уйига қадар истаб келгани, бироқ уни топа олмай уйига киргани, соат тахминан 14:00 ларда З.Қосимовни уйига борганида, у ерда барча қариндошлари борлигини кўриб, улар билан кўчадан исташга келишиб, кўчани қидириб, топа олмагач соат 17:00 ларда З.Қосимовни уйига келиб яна тўпланишгани, қоронғу тушиб қолгани сабабли, “Насибахон” исмли синглиси хожатхонага кирганида ичида телефон ёниб турганлигини кўриб чақиргани, уни олиб кўришганида, марҳум З.Қосимовга тегишли эканини кўришгани, бундан шубҳаланиб, урни қайта қидириб кўришгани, шу вақт “Хасанбой” исмли жияни ичкаридан “Маидалаб ташлабди” деб бақириб дахлизли хонадан чиққани, шунда ИИБ ходимлари уйнинг ичига кириб чиқишганидан сўнг, хонадонни тарк этишни сўрашгани учун ушбу хонадондан чиқиб кетишгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳлар М.Қосимова ҳамда С.Қосимоваларнинг суд мажлисидаги, гувоҳ Х.Мирзаахмедованинг кўрсатувларини тасдиқлаб, у билан бир ҳил мазмунда берган кўрсатувлари билан;

гувоҳ Т.Турсуновнинг суд мажлисидаги, уни “Наманган” МФЙ, Наманган кўчасида савдо дўкони бўлиб, унда сотувчилик билан шуғулланиб келиши, 2023 йил 22 декабрь куни кеч соат 20:25 лар атрофида “Иқбола” исмли қўшнисини савдо дўконига келиб, телефонидан “Онлайн” такси чақириб беришини





сўрагани учун “1229” қисқа рақамига қўнғироқ қилиб, дўкон манзилига такси юборишни сўрагани, бу орада “Иқбола” дўкондан 0,5 литр хажмдаги фанга ичимлигини сотиб олгани, такси етиб келганидан сўнг “Иқбола” дўкондан чиқиб кетгани, 22.12.2023 йилда “Иқбола” билан кўришганида турмуш ўртоғини ўлдириб қўйгани ҳақида айтмагани, ҳодиса содир бўлгани ҳақида 23.12.2023 йил ушбу маҳаллада ИИБ ходимлари тўпланиб кетганидан сўнг хабар топгани, шу сабабли жиноятни олдини олиш имкониятига эга бўлмагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ И.Муминовнинг суд мажлисидаги, 2023 йил 22 декабрь куни тушлик вақтида биринчи марта “ALADIN” номли онлайн такси иловасига уланиб, йўловчи ташиш билан шуғулланишни бошлагани, шу куни унга кўплаб буюртмалар келиб тушгани, булардан бири тахминан кеч соат 20:00 лар атрофида келиб тушиб, манзил бўйича буюртмачини олдига борганида, бир аёл киши, эғнида қаймоқ рангли камзул кийиб олган аёл автомашинаси орқа ўриндиғига ўтиргани, ушбу аёл 48-мактабни олдига ташлаб қўйишни сўрагани учун, у ерга бориб ташлаб қўйиб, ишларини давом эттиргани, И.Алихановани танимаслиги, ушбу аёл турмуш ўртоғини ўлдириб қўйгани ҳақида айтмагани, бу ҳолатдан терговга жалб қилинганидан сўнг хабар топгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ З.Умирзақовнинг суд мажлисидаги, у Наманган шаҳридаги “Дўстлик” буюм бозорига кулолчиликка ишга киргани, ишга ўзига тегишли давлат рақами 50Y106FA бўлган “Нексия-1” русумли автомашинада қатнагани, ишга кетаётган вақтида Чортоқ тумани марказидан йўловчиларни Наманган шаҳрига йўлқира эвазига олиб кетгани, И.Алихановани йўловчи сифатида шу йилнинг тахминан август ойларида Чортоқ бозоридан кейин йўлда турганида олиб кетгани, шундан кейин телефон рақамини олиб, эрталаблари кетиш вақтида олиб кетиши учун қўнғироқ қилиб тургани, муносабатлари йўловчи таксист тарзида бўлиб, уни фақат Наманган шаҳрига олиб бориб қўйгани, шунингдек, автомашинасида нафақат И.Алиханова балки яна 3 та қўшимча йўловчи билан кетгани, “телеграм” ижтимоий тармоғи орқали “Иқбола” билан ишқий мазмунда бир қанча СМС тарзида хабарлашиб турган бўлса-да, у билан ишқий муносабатларга киришмагани, ушбу ҳолатлардан турмуш ўртоғи М.Умирзақова хабар топганидан сўнг И.Алиханова билан орани очик қилиб олиш учун 2023 йил 22 декабрь куни турмуш ўртоғи М.Умирзақова И.Алиханова билан кўриши учун унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, у билан гаплашиб, шу куни қоронғу вақтда Чортоқ марказидаги 48-мактаб олдидаги “СИМ-СИМ” дўконидан юқориқ жойда, катта йўл бўйида ўзига тегишли бўлган “Нексия-1” русумли автомашинада кўришгани, автомашинада ўзи, турмуш ўртоғи М.Умирзақова ва И.Алиханова бўлгани, у билан И.Алиханова ишқий муносабатлар ҳақида сўраганида, И.Алиханова фақат йўловчи сифатида қўнғироқ қилиб турганини айтгани, шундан сўнг И.Алиханова автомашинадан тушиб уйига кетгани, И.Алиханова турмуш ўртоғини ўлдириш нияти борлигини айтмагани, ҳодиса содир бўлгани ҳақида терговга жалб қилинганидан сўнг хабардор бўлгани ҳақидаги кўрсатуви билан;



гувоҳ М.Умирзақованинг суд мажлисидаги, гувоҳ З.Умирзақовнинг кўрсатувини тасдиқлаб, у билан бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

гувоҳ О.Алихановнинг суд мажлисидаги, судланувчи И.Алиханова опаси бўлиши, у 2017 йилда шаръий никоҳ асосида марҳум З.Қосимовга турмушга чиққани, И.Алиханова З.Қосимов билан биргаликдаги турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлишгани, турмушларини дастлабки йиллари яхши яшаганлари, бироқ кейинчалик мурасалари келишмай қолгани, ўрталарида рашк юзасидан келишмовчиликлар бўлиб турганини эшитгани, рашк қилиб жанжал бўлавериши ҳақида И.Алиханова унга 1-2 марта айтгани, оилавий жанжал бўлган пайт устида гувоҳ бўлмаган бўлса-да, бир марта жанжалдан кейин келгани, мазкур ҳолатни воқеа кунидан 2-3 кун ўтиб билгани, опасини руҳий ҳолати яхши бўлгани, асабийлашган ҳолатларини ҳам 3-4 марта кўргани, бу ҳолат бўлишидан 1 ҳафта олдин телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрагани, овози бошқача бўлгани, опасига агар ҳолат ёмон бўлса, келиша олмаётган бўлса олиб келиши, З.Қосимов билан яшамай қўяверишини айтгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси (ж.и 1-жилд 5-58 и.в), мурдани кўздан кечириш ҳақида баённомаси (ж.и 1-жилд 59-62 и.в), мурдани таниб олиш учун кўрсатиш ҳақида баённома (ж.и 1-жилд 63-64 и.в), ҳодиса жойидан олинган ашёларни кўздан кечириш баённомаси (ж.и 1-жилд 115-119 и.в), кийимларни кўздан кечириш баённомаси (ж.и 1-жилд 120-135 и.в), ҳодиса жойидан олинган бошқа буюмларни кўздан кечириш баённомаси (ж.и 1-жилд 136-150 и.в), уяли алоқа воситаларини кўздан кечириш баённомаси (ж.и 1-жилд 151-152 и.в), марҳум З.Қосимовга нисбатан ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосаси (ж.и 1-жилд 161-165 и.в), судланувчи И.Алихановага нисбатан ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосаси (ж.и 1-жилд 170-171 и.в), вояга етмаган М.Рахимжановга нисбатан ўтказилган суд тиббий экспертиза хулосаси (ж.и 1-жилд 177-178 и.в), суд дактилоскопик экспертиза хулосалари (ж.и 1-жилд 184-187, 194-198 и.в), суд биология экспертиза хулосалари (ж.и 1-жилд 204-208, 214-219, 225-230 и.в), тиббий криминалистика экспертиза хулосалари (ж.и 1-жилд 236-238, 244-247 и.в), суд биология экспертиза хулосалари (ж.и 1-жилд 253-256, 262-265, 271-274 и.в), суд психиатрия экспертиза хулосаси (ж.и 1-жилд 281-285 и.в), айбланувчини кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси (ж.и 1-жилд 300-328 и.в), кузатув камерасидан олинган видеотасвирлар юкланган дискни олиш ва кўздан кечириш баённомаси (ж.и 2-жилд 3-8, 27, 30, 33-37, 74 и.в), суд дактилоскопик экспертиза хулосалари (ж.и 2-жилд 20-22, 51-53 и.в), нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва уларнинг фото иловалари (ж.и 2-жилд 145-156 и.в), И.Алихановани телефонини кўздан кечириш баённомаси (ж.и 2-жилд 158-163 и.в), суд психологик экспертиза хулосаси (ж.и 2-жилд 210-214 и.в), гувоҳ З.Умирзақов ва судланувчи И.Алихановаларни юзлаштириш баённомаси (ж.и 2-жилд 227-228 и.в), эксперимент ўтказиш баённомаси ва унинг фото иловалари (ж.и 2-жилд 235-242 и.в), судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг терговга қадар суриштирув вақтидаги тушунтириш



хатлари, дастлабки терговдаги сўроқ баённомалари ҳамда суддаги кўрсатувлари, олинган ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи судланувчи И.Алихановани жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда З.Қосимовни ожизлигидан фойдаланиб қасддан ўлдирганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан, З.Қосимовни мурдасини яшириш мақсадида уни мурдасини таҳқирлаб, танасини бўлақларга бўлишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 134-моддаси билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 8-бандида “Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт. Жабрланувчининг алкогольли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олиншига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас” деб, 12-бандида “Мурдани таҳқирлаш, йўқ қилиш ёки бўлақлаб ташлаш қотилликнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини англатувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг мурдани таҳқирлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи 134-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши лозим” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо



тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши”

37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас” деб, ушбу модданинг 10-қисмида “Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.”

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, ишдаги судланувчи И.Алихановани айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни



номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, И.Алихановага жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, аёл кишилигини, жиноят жабрланувчи З.Қосимовнинг зўрлик, оғир ҳақорат ёки ахлоққа зид ҳулқ-атвори таъсири остида содир этилганлигини, қарамоғида вояга етмаган 2 нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, уни ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 134-моддаси санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми ва 61-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддаси 8-қисми “б” бандига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни;

-ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган марҳум З.Қосимовга тегишли 1 дона жигарранг жемпер, 1 дона кулранг эркаклар бельёси, 1 дона қора рангли эркаклар курткаси, 1 дона кулранг эркаклар ички кийимини (трусиги) ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи З.Қосимовнинг яқин қариндошларига қайтаришни;

-ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган судланувчи И.Алихановага тегишли бўлган 1 дона тўқ қизил рангли аёллар куйлагини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи И.Алиханованинг яқин қариндошларига қайтаришни;

-ашёвий далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилган 1 дона ошхона пичоғи, 1 дона болта, 1 дона арра, 1 дона рўмсмон оқ рангли палос, 1 дона жигарранг одеял, 1 дона кўк рангли одеял, 2 дона целлофан, 1 дона тўқ қизил рангли белбоғ, 1 дона кўрпача, 1 дона оқ рангли аёллар пайпоғи, 1 дона яшил



рангли палосни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни;

-ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган кузатув камерасидан олинган видеотасвирлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда пеллингация маълумотлари юкланган 7 дона ДВД дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Алиханова Икбол Абдурашидовна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди ва 134-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Алиханова Икбол Абдурашидовнага;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 13 (ўн уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 134-моддаси билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми ва 61-моддаси тартибда тайинланган озодликни чеклаш жазосини бир кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосини бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 13 (ўн уч) йил 3 (уч) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Алиханова Икбол Абдурашидовнага тайинланган жазо муддати 2023 йил 24 декабрдан бошлаб ҳисобланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Алиханова Икбол Абдурашидовнага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган марҳум З.Қосимовга тегишли 1 дона жигарранг жемпер, 1 дона кулранг эркаклар бельёси, 1 дона қора рангли эркаклар курткеси, 1 дона кулранг эркаклар ички кийими (трусиги) ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жабрланувчи З.Қосимовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган судланувчи И.Алихановага тегишли бўлган 1 дона тўқ қизил рангли аёллар куйлаги ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи И.Алиханованинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилган 1 дона ошхона пичоғи, 1 дона болта, 1 дона арра, 1 дона рўмсмон оқ рангли палос, 1 дона жигарранг одеял, 1 дона кўк рангли одеял, 2 дона целлофан, 1 дона тўқ қизил рангли белбоғ, 1 дона кўрпача, 1 дона оқ рангли аёллар пайпоғи, 1 дона яшил рангли палос ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган кузатув



камерасидан олинган видеотасвирлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда пеллингация маълумотлари юкланган 7 дона ДВД дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Жаббаров

Халқ маслаҳатчилари

Н.Қирғизова

Ш.Турабоев

